

# МУҲАММАДНИНГ ҚУЁШИ

(Бир парда, олти кўринишили драма)

## Қатнашувчилар:

1. Муҳаммад Юсуф – 30-34 ёшларда
2. Назира – Муҳаммад Юсуфнинг хотини. 30-31 ёшларда
3. Содик – Муҳаммад Юсуфнинг дўсти. 30-34 ёшларда
4. Нашриёт раҳбари – 50-55 ёшларда.
5. Вакил – Ёзувчилар уюшмасидан келган вакил 50ёшларда
6. Ходим – 30 ёшлар атрофидаги йигит
7. Ушюма раиси – Ёзувчилар уюшмаси раиси. 50-55 ёшларда
8. Абдулла Орипов – Ёзувчилар уюшмаси раис ўринбосари. 50-55 ёшларда
9. Муҳаммад Юсуфнинг онаси – 60-65 ёшлардаги нуроний онахон
10. Сингил - Шоирнинг синглиси 20 ёшлардаги қиз
11. Ташкилотчи – 25-30 ёшлардаги йигит
12. Биринчи ва иккинчи ташкилотчилар – 20-25 ёшдаги йигитлар
13. Ҳайдовчи – 30-35 ёшлардаги йигит
14. Мехмонлар – Неъмат, Собир, Тошпўлат – 45-50 ёшлардаги кишилар

## БИРИНЧИ ПАРДА БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Оддий хонадан. Шоир ижод қилиб ўтирипти. Стол усти қогозлар билан тўла. Шоир қогозларни варақлаб ўтирган пайтда саҳна ортида ёш болаларнинг шўх-шодон овози эшишилади. Шоир бир муддат варақларини стол устига қўйиб, бошини овоз келаётган томонга буради. Лабларида табассум пайдо бўлади. Шумахал рафиқасининг овози эшишилади.

**Овоз.** Ҳой, бу нима шовқин? Қизим, даданг ижод қиляптилар, халақит берманглар. Сизларга боя айтувдим-ку. Қани тез хонага кириб, тўполон қилмай ўтиринглар-чи.

Қизчаларнинг инжиқланиб, ииғлаган овози эшишилади. Овозни эшишиб, шоирнинг юзидаги табассум йўқолиб, тундлашаади. Олдида бетартиб ётган қогозларига қараб, чуқур уҳ тортади. Бир муддат жисмликдан сўнг шеър ўқииди.

Шухратга ўч бўлсам керак мен гумрох,

Ёлғон бўлса керак дилда нолам ҳам.  
Тўпори байтларим битар пайтим goх,  
Кўзимга кўринмай қолар болам ҳам.

Оlamни эркалаб, эрка сўз излаб,  
Боламни эркалаб бир сўз айтмадим.  
Мушукдай суйкалиб келса ҳам музлаб,  
Бетидан бир ўпмай уйдан ҳайдадим.

Қалам ушладимми, демак – ўйин бас,  
Яйраб очолмайди гул дудогини.  
Бундоқ юрак ютиб сўраша олмас,  
Хонамда қолдирган қўғирчоғини.

Бурчак-бурчакда жим тортишар бурун,  
Билмам, не ўю хаёл ичида.  
Тузсиз шеърларим деб ширидан-ширин.  
Болаларим юрар оёқ учида...

Улар шеър ёзмасин ҳеч менга ўхшаб,  
Мендан нафи кўпроқ тегар элимга.  
Шоҳ асар бўлса ҳам тупурдим ўша,  
Боламни йиглатиб, ёзган шеъримга.  
*Шоир ўрнидан туради ва рафиқасини чақиради.*

**Шоир.** Ноз...

*Саҳнага шоирнинг рафиқаси чиқиб келади.*

**Шоир.** Ноз, достонимни тугатдим. Энди машинкада кўчириш керак.

*Рафиқаси келиб шоирнинг рўпарасида турган стулга ўтиради ва шу ерда турган қоғоз папкани қўлига олади-да, қўлёзмаларни варақлаб қарайди.*

**Назира.** “Қора қуёш” деб номлабсизми?

**Шоир.** Ҳа.

**Назира.** Қизиқ-қизиқ гапларни топиб юрасиз-а, ахир қуёшнинг ҳам қораси бўладими?

**Шоир.** Ҳар бир даврнинг қора кунлари бўлади, худди шундай – бу асар ҳам тарихимизнинг қора кунлари, қуёшимизнинг қорайган даврлари ҳақида ҳикоя қиласиди.

*Назира қоғозларни тахлаб, ўқишига киришаётган пайтда шоир гап бошлиайди.*

**Шоир.** Ноз...

**Назира.** Лаббай.

**Шоир.** Сендан бир илтимосим бор.

*Назира унга ҳайрон бўлиб қарайди.*

**Назира.** Қанақа илтимос экан?

**Шоир.** Бундан кейин менинг илҳом фаришталаримни урушма.

*Рафиқаси шоирнинг нима деганини англай олмай бир муддат унга қараб қолади.*

**Шоир.** Қизларимни айтаяпман... Мен қоғоз одами бўлсам, умрим қоғоз титиб ўтади... Улар ҳали гўдак, ўйнагиси келган пайтда ўйнасин. Мени деб уларни болалигидан айрма.

*Рафиқаси шоир гапираётган пайтда гуноҳкор одамдек бошини эгганча эшигади. Шоир гапириб бўлгач, эшитилар эшитилмас “хўп” дейди. Шу маҳал эшик қўнгироги жиринглайди.*

**Шоир.** Ким бўлди экан шу маҳалда?

*Назира эшикка қараши учун чиқади. Шоир ўзига-ўзи гапиради.*

**Шоир.** Худо ол қулим деса-ю, достон китоб бўлиб чиқиб кетса, ўқувчиларга маъқул келармикин?..

*Саҳнага шоирнинг дўсти Содик бақир-чақир қилганча салом бериб, кириб келади.*

**Шоир.** Содик, дўстим, хуш келибсан.

*Содик устидаги палтосини авайлаб четда турган кийим илгичга илиб қўяди. Кейин келиб шоир билан қучоқлашиб кўришади ва уни даст кўтариб бир-икки айлантирганча ерга қўяди.*

**Содик.** Сен бола бундай бир жўраларимни йўқлай, ҳам демайсан-а.

*Шоир кулади.*

**Шоир.** Ҳали хайрлашганимизга уч соат ҳам бўлмади-ку, жўра.

**Содик.** Ҳа, майли, қўявер, ишхонада расмий ўтирамиз, жўрачилик ишдан кейин бўлади. Сен айтган китобни топиб келдим.

*Содик уйга кирган пайтда бир четга қўйган портфелини олиб очади ва ундан ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг “Мажолис-ун-нафоис” китобини олиб, шоирга узатади. Шоир китобни олиб, дўстини саҳнанинг бошқа четидаги стол атрофига етаклайди.*

**Шоир.** Қани ўтир-чи. Бу китобни изламаган жойим қолмади. Биласанми жўра, ҳазрат Навоийнинг бу асарини нега бунча кўп қидирдим. Ҳазрат ушбу асарда саккиз мажлис доирасида тўрт юз эллик тўққиз нафар шоир ва адиллар ҳақида маълумот берган. Бунинг устига ушбу асар турк тилида ёзилган илк тазкира сифатида тарифланади. Ҳаммасини биларкансан, нега яна бу китобни изладинг, деб ҳайрон бўлма. Бу гапларни Суйима опанинг мақоласида ўқиганман. (кейин саҳнанинг орқа томонига қараб, баланд овозда гапиради) Ноз, чой-пой олиб кел.

**Содик.** Э, қўйсангчи, келинни овора қилма, жўра. Овқатланганман, китобни бериб, шунчаки сухбатлашиб ўтирамиз, деб келгандим.

**Шоир.** Чой дедим, жўра, чой. Чой овқат эмас-ку.

**Содик.** Майли, бир катта асар бошладим, дегандинг. Тугатдингми?

**Шоир.** Ҳа, бугун тугатдим, жўра. Лекин...

**Содик.** Жуда пишиқ боласан-да. Сўрамасам, айтмайсан ҳам. Тугатган бўлсанг, ювиш керак.

*Шоир бирор ўйга чўмиб қолади ва кейин жавоб беради.*

**Шоир.** Ювиш қочмас...

**Содик.** Майли, энди айтарсан, ўзи нима ёздинг, нима деб номладинг?

**Шоир.** Достон ёздим. “Қора қүёш” деб номладим.

**Содик.** “Қора қүёш”... ғалати ном. Китоб қилдирмоқчимисан?

**Шоир.** Ҳа, нашриёт мухарририга бериб күрай-чи.

**Содик.** Унда табрикласак ҳам бўлавераркан-да.

**Шоир.** Ҳали нашриётдагиларга маъқул келадими, йўқми...

**Содик.** Келади, албатта, маъқул келади. Номинг ҳам анча машхур бўлиб қолди. Исмингни кўрибоқ, розилик беришса керак.

**Шоир.** Шундай бўлсин, ишқилиб.

*Содик бир оз ўйланиб қолади. Шу пайт шоирнинг рафиқаси чойнак-пиёла кўтариб кириб келади. Чойни қайтара туриб, Содик билан сўрашади.*

**Назира.** Хуш келибсиз, ака.

**Содик.** Хушвақт бўлинг, келин. Яхшимисизлар?

**Назира.** Ҳа, раҳмат, янгам, болалар яхши юришибдими?

**Содик.** Ҳа, яхши, салом айтиб юборишди.

**Назира.** Олиб келавермабсизда, мен ҳам зерикиб ўтирувдим.

**Содик.** Кейинги сафар олиб келаман.

**Назира.** Албатта, олиб келинг, (*Шоирга қараб*) бирор нарса керак бўлса айтарсиз, ошнинг тагини солиб қўйдим.

**Содик.** Овора бўлибсиз-да, келин.

**Шоир.** Овораси борми, жўра, қўп хижолат бўлаверма, бизнинг Андижонда келган меҳмонга ошсиз рухсат берилмайди, биласан-ку.

*Назира саҳнадан чиқиб кетади. Орага бироз жсимлик чўқади.*

**Содик.** Қани, энди достонингни бир вараклаб кўрайлик.

**Шоир.** Китоб бўлиб чиқса, биринчисини сенга бераман.

**Содик.** Ўзинг танти боласан-у, баъзида қизғанчиқлигинг тутиб қолиши ҳам бор гап.

**Шоир.** Биринчи китобни сенга совға қиласман деяпманку, жўра.

*Содик ўрнидан туриб, палтоси илинган тарафга қараб юра бошлайди.*

**Шоир.** Содик, тўхта, хафа бўлдингми?

*Содик палтосининг ички чўнтағидан шиша олади ва уни қўли билан баланд кўтариб.*

**Содик.** Мен-ку хафа эмасман, аммо мана бу зорманда хафа бўляпти-да.

*Содик қаҳ-қаҳ уриб кулади. Унинг кулгусига шоир ҳам қўшилади.*

**Шоир.** Кўймайсан, Содик, кўймайсан.

*Содик пиёлаларни олдига олиб, ароқни оча бошлайди*

**Содик.** Ошни тагида қолиб кетсин, нима дединг, жўра.

**Шоир.** Жўра, шуни китоб чиққандан кейин ичсак бўлмайдими?

**Содик.** Китоб чиққандан кейин сен олиб берасан. Бугун мени галим. Лекин эртага тонгда бошлиқ мажлис бор деганди.

**Шоир.** Ана, мажлис ҳам бор экан, отиб олсак эрталаб мажлисга қандай борамиз?

**Содик.** Эй, қўйсанг-чи, бир гал сен билан менсиз ҳам ўтар шу мажлис.

*Содик пиёлага тўлдириб ароқ қуйиб, шоирга узатади.*

**Шоир.** Шу бугунча ўзинг ичиб турсанг бўлмайдими?

**Содик.** Ия, мен сенга алкашманми, ўзига ўзи ичадиган? Ойда йилда мияга ҳам дам бериб туриш керак-ку, қани ол.

*Шоир пиёлани кўтаради. Саҳна секин-аста қоронгулашиади. Саҳна буткул қоронгулашиб. Секин-аста ёриша бошлийди. Орадан бир муддат вақт ўтган экани билиниши керак. Икки жўранинг анча кайфи ошиб қолган .*

**Шоир.**

Юзга упа сурмасдан,  
Тўлин бўлди Зебижон.

**Содик.**

Ўн саккизга кирмасдан,  
Келин бўлди Зебижон.

**Шоир.**

Мен не дердим, нима дей?  
Олов эдик, шўх эдик.  
Зеби билан эринмай,  
Ўн йил бирга ўқидик.

**Содик.**

Эски мактаб алвидо,  
Хоналари тор эди.

**Шоир.**

Ўртамизда бир худо,  
Бир сиёҳдон бор эди.

**Содик.**

Мен лапашанг, албатта,  
Сўрамадим кўнглини.  
Ўн йил бирга ўқиб ҳам,  
Ушламабман қўлини.

**Шоир.**

Энди ўлтирибман жим,  
Кекса онам олдида.

*(Иккови бир овоздан ўқийди )*

Мен ҳам тўйга борардим,  
Ёмғир ёғиб қолди-да.

**Содик.** Жўра, энди тўхташ йўқ. “Сени ҳеч ким севолмайди менингдек”, деган шеърингни ўқиб бер. Йўқ, тўхта-тўхта, аввал мана буни ол.

*Содик пиёлани узатади. Жўралар пиёлаларни тўқнаштириб ичиб олишади.*

*Шоир ўрнидан туради ва шеър ўқишни бошлийди.*

**Шоир.**

Алданма ёр, алдамчилар макрига,  
Малак бўлма, бевафо ишқ шахрига.

**Улар сени бир босса бас, бағрига,  
Сени хеч ким севолмайди менингдек.**

*Содиқ қарсак чалиб юборади ва ўрнидан туриб, Шоирни құчоқлайди ва  
пешонасидан ўпади. Жүрасини қучоқлаб туриб шеънинг давомини ўқийди.*

**Содиқ.**

Сен кўқдаги ҳарир кўйлак хур пари,  
Кўк кўлдаги тиниб қолган сув пари.  
Мухаммаднинг.... Содиқжонинг кўнглидаги дилбари  
Сени хеч ким севолмайди менингдек.

**Шоир.** Эшит, эшит...

Агарда мен ўлсам....  
Токнинг зангидан тобут яса.

Тўртта жанонани чақиргину қўтартир,  
Қабримдан ўтганлар маст бўлсин.

*Содиқ яна қарсак чалади. Шоир унинг қарсак чалганига маст бўлиб яна шеър  
ўқийди.*

**Шоир.**

Сен бўлсанг-у мен бўлсам-у, май бўлса....  
Ўртамизда қизил гулхан, най бўлса.  
Найни чалиб, май узатсанг нозанин,  
Юраккинам жон беришга шай бўлса.

**Содиқ.** Э гап йўқ, жўра. Бу шеърларингни ўқимаган эканман.

**Шоир.** Менинг шеърим? (*кулади*) Қанийди... Бу шеърларнинг муаллифи  
менинг устозим. Биздан анча йиллар олдин яшаб ўтган бир шоир. Сенга шу  
шоирнинг китобини совға қиласман.

**Содиқ.** Устозинг ҳам бизга ўхшаб шинаванда бўлган экан-да.

**Шоир.** Йўқ, йўқ, йўқ. Бу шеърда май дейилган нарса аслида иймон. Тасаввуф  
деган нарсани ўқиганмисан ўзи, чаласавод?

**Содиқ.** Бўлди-бўлди, тавба қилдим. Озгина алжираб қўйдим. Э, менга қара  
жўра, сен билан ўтирсам, сухбатлашсам, жуда енгил бўламан-да.

**Шоир.** Кўнгил яқинда жўра, кўнгил.

**Содиқ.** Энди янги достондан ҳам бир шингил эшитсак...

**Шоир.** Кўймайсан, кўймайсан (*кулади*).

*Шоир бир оз дабдираб бориб, достонни олиб келади. Содиқ қўлини  
узатгандা, шоир унинг қўлини қайтаради.*

**Шоир.** Ўзим ўқиб бераман.

**Содиқ.** Розиман, юракни титратадиган жойидан ўқи.

**Шоир.** Содиқ.

**Содиқ.** Ҳа, жўра.

**Шоир.** Шу достондан бир оз чўчиб турибман.

**Содиқ.** Достондан? Нега?

**Шоир.** Бир оз сиёсатга аралашган жойларим бор.

**Содиқ.** Хўш-хўш...

**Шоир.** Номиданоқ сезмадингми?

**Содик.** Мен-ку сезишига сезганман, тунов куни катта билан гаплашаётганингда қулоғимга чалинганди. Сен ёрилмасанг, нима қилай? Шунга қизиқиб боядан бери сўрайман, бермайсан.

**Шоир.** Ер тагида илон қимирласа биласан-а.(кулади) Китобни рад қилишсаку, майли-я...

*Шоир ерга қараб бироз жум қолади. Содик ўрнидан туриб келиб унинг елкасидан қучоқлаб гапиради.*

**Содик.** Э қўй-е. Сенга ярашмади шу гаплар. Адабиётда чегара бўлмайди деган одам сен эмасмидинг?

**Шоир.** (*Ўзини қўлга олиб, кулади*) У вақтларда йўқотадиган нарсам йўқ эди, ортимга қарайдиган одамим йўқ эди, Содик. Энди бўлса, бири-биридан ширин қизларим бор. Улар ҳали полопон. Менга бир гап бўлса, Назира қийналиб қоладими, дейман-да, жўра...

**Содик.** Кечагина “Бўлса менга ой керак, Юлдузларга хушим йўқ”, деб юрган бола сенмасмидинг? Нега иккиланасан? Буни адабиёт дейди, унда ташбеҳлар, бадиий тўқималардан фойдаланилади. Хуллас, жўра, кўп ўйлама, уни ундоқ, буни бундоқ десанг ижод бўладими? Қолаверса Одил ака, Абдулла ака, Эркин ака, хуллас, устозларнинг бари-бари сени яхши кўради, кўллайди. Нимасидан хавотир оласан?

**Шоир.** Тўғри айтасан, яхшиям сен борсан, жўра.

**Содик.** Энди, достондан парча эшитайлик.

**Шоир.** Эшит.

Ўлган ўлди-кетди

Ҳеч ким қайтмайди.

Нега?

Нима учун?

Бу ҳам муаммо.

Тарих соқов кампир,

Дардин айтмайди.

Айттолмас,

Унутиб ҳам бўлмас аммо.

Мана,

Қодирийни қилишар сўроқ:

“Ўтган кунлар” деган шеър сизникими?

– Ҳа.

Аммо, у шеър эмас...

– Жим бўлинг, ахир.

– Шеърми ё бошқами автори сиз-да.

Тамом.

Бошқа гапга қолмайди ҳожат.

Терговчи – пайғамбар,

**Терговчи – Худо**

Темир зотдан келган буйруқ – ижозат,  
Ўзбек яна битта ўғлидан жудо.

**Содик.** Офарин, таърифга тил ожиз.

**Шоир.** Эртага бирор бир машинкада кўчирадиган одамга беришим керак.

**Содик.** Эҳтиёт бўл-да, ишқилиб. Ҳозир дўстдан душман кўп. Таниш одамга кўчиритир.

**Шоир.** Танишим бор, лекин ҳозир шаҳарда эмас экан. Шунга эртага бирон-бир машинистка топиб, бермоқчи эдим.

**Содик.** Истасанг менга бер. Таниш, ишончли одамим бор. Саводли, хатосиз ёзди.

**Шоир.** Яхши, (қоғоз папкани унга узатади) сенга ишонаман.

**Содик.** Унақада менга руҳсат. Йўл-йўлакай асарингни ташлаб ўтаман.

**Шоир.** Ош емасдан руҳсат йўқ.

**Содик.** Мұхаммад, ош емаган жойимми, жўра? Кеч бўлмасдан достонингни ҳам бериб ўтаман. Кейин ўзимнинг ҳам кўчада ишларим бор. Ошга келсак, китоб чиққандан кейин, албатта, еймиз.

**Шоир.** Ўтиранг, яна бир оз сухбатлашардик, биргалашиб ош ердик.

**Содик.** Майли, жўра, айтаяпман-ку, ўзимнинг ҳам ишларим бор. Қани омин, тинчлик, хотиржамликни берсин. Ижодинг бундан-да, гуллаб яшнасин. Оллоҳу акбар.

*Жўралар қучоқлашиб хайрлашишиади. Саҳна қоронгулашиади.*

## ИККИНЧИ КЎРИНИШ

*Нашриёт. Бошлиқнинг хонаси. Бошлиқнинг хонасида бошлиқ ҳамда ююшманинг вакили ўтирипти. Бошлиқ стол устидаги чойнакдан пиёлага чой қуийб, вакилга узатади. Чой узата туриб гап бошлайди.*

**Бошлиқ.** Энди... Айбга буюрмайсиз. Мұхаммаджон ижод одами, кеча бир нарса ёзаётгандим деганига, эртароқ руҳсат бергандим. У уйига кетганидан кейин сиз қўнғироқ қилиб қолдингиз. Лекин мен унинг энг яқин жўраси, Содиқжонга тайинловдим, Уюшмадан вакиллар келаркан, сенга ташаккурнома беришаркан деб айтгин, деб.

**Вакил.** Майли, хижолат бўлманг, ижод аҳли ўзи шундай бўлади, тунда ижод қилиб, кундузи дам олади. Келиб қолса керак.

**Бошлиқ.** Энди сиздай одам ишдан қолиб ўтирганига хижолат тортаяпман ёки келиб қолса айтами, олдингизга борсинми?

**Вакил.** Хижолат бўлманг, сиз ишингизни қиласверинг. Раиснинг ўзи шахсан буйруқ берган, бир оз кутай, келмаса уйига ўтарман.

**Бошлиқ.** Унда ҳозир ҳайдовчимизга айтаман, тезда бориб, олиб келади.

**Вакил.** Маъқул.

*Бошлиқ телефон гўшагини кўтариб раҳам теради.*

**Бошлиқ.** Саломатхон, ҳайдовчига айтинг, тезда Муҳаммаджоннинг уйига бориб, уни олиб келсин. (*бир оз жисмлик*) Йўқ, ўзимизни Муҳаммаджонни, Муҳаммад Юсуфни айтаяпман, яхши, хўп.

*Шу пайт эшик тақиллаб, Содиқ кириб келади, бошлиқ ва вакил билан саломлашиб, бошлиққа юзланади.*

**Содик.** Чакиртирган экансиз?

**Бошлиқ.** Муҳаммаджон ҳалиям келмади, икки жўра меҳмон олдида хижолатга қўйдинглар, одамни.

**Содик.** Кеча тайинлаб айтгандим, лекин, хўжайнин, боядан бери айтишга ботинолмай тургандим, борганимда кайфи баландроқ эди. Ким билади, кейин ҳам давом эттирган бўлса...

*Бошлиқ кутимаган гапдан вакилнинг олдида бироз ўнгайсизланиб йўталиб олади ва Содиққа ёмон қараши қиласди.*

**Бошлиқ.** Ҳа, майли, ҳозир ҳайдовчи бориб олиб келади. Сени чақирганимнинг боиси, боя юқоридан қўнғироқ қилишди. Эсимда борида айтиб қўяй, кейинги ҳафта, жума куни соат бешда ижодкорлар билан учрашув – шеърият кечаси бўларкан. Икки нафар ижодий ҳодим жўнатинг, дейишидди. Муҳаммаджон билан борасизлар, яхшилаб тайёрланинглар. (*Олдида турган оқ қоғозни Содиққа узатади.*) Мана шу ерда манзил ёзилган. Телеведение ҳам бўларкан, кечикмай боринглар.

**Содик.** Хўжайнин, биласизми... Шу кечага ўзим борганим дурустми дегандим.

**Бошлиқ.** Нима дуруст эканини ўзим яхши биламан.

*Содиқ ўрнидан тура туриб гапиради.*

**Содик.** Хўжайнин, чойни янгилаб берайми?

**Бошлиқ.** Шарт эмас, боравер.

*Содиқ чиқиб кетгач, вакил бироз кулиб гап бошлайди.*

**Вакил.** Содиқжон ҳам кеча Муҳаммаджон билан бирга бўлганми дейман?

**Бошлиқ.** Тушунмадим.

**Вакил.** Содиқжоннинг ўзидан ҳам анави сабилнинг ҳиди келиб турипти.

*Бошлиқ чуқур хўрсинади.*

**Бошлиқ.** Э, устоз, нимасини айтасиз. Шу ишхонага келиб, қилган энг катта хатоийим, шу йигитни ишга олганим бўлди. Кеча Муҳаммаджоннинг уйига бормаган ҳам бўлса керак. Аслида учрашувга ўзим борай деганининг сабаби бошқа. Муҳаммаджон борса, буни шеърини бирор эшитмайди, телеведение деганимга хасислик қилаяпти... Ўзим ишга олганман. Ишга келганига энди саккиз ой бўлди-ю, жамоадагиларнинг қўпини бир-бирига душман қилиб ташлади. Ишдан бўшатаман десам...

*Вакил бошлиқнинг гапини охиригача етказмай гапиради .*

**Вакил.** Устингиздан ёзаман, дейдими?

*Бошлиқ билан вакил баббаравар қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишади.*

**Бошлиқ.** Э, бор бўлинг. Тушунган одамни садағаси кетсанг арзийди.

**Вакил.** Бизда ҳам бор бундай зааркунандалар.

*Шу пайт эшик тақиллаб, Мұхаммад Юсуф билан Содиқ кириб келади Мұхаммад Юсуф Бошлиқ ва Вакил билан қуюқ сұрашади.*

**Бошлиқ.** Мұхаммаджон, бугун мени ҳам хурсанд қилдинг, ҳам бироз ранжитдинг. Сени тақдирлаймиз деб уюшмадан вакил келиб үтирибди, сен йүқсан, кече Содиққа тайинлаб айттиргандим.

*Мұхаммад гапираман деб әнди оғиз жуфтлаганда Содиқ гапга аралашади.*

**Содиқ.** Кече жуда толиққан экан...

**Бошлиқ.** Содиқ, сен ишиннега боравер.

*Содиқ хонадан чиқиб кетади. Вакил стол устидаги рамкага солинган ташаккурномани бир құлиға олиб, бир құли билан Мұхаммаднинг құлидан сиқиб гапира бошлайды. Вакил гапиришини бошлаганда чироқ секин-аста хирадашиб вакил гапини тугатгач буткул қоронгуглашади.*

**Вакил.** Мұхаммаджон, сизни сермахсул, самимий ижодингиз учун уюшма раисининг шахсан буйруқлари билан ташаккурнома билан тақдирлаймиз.

## УЧИНЧИ ҚҰРИНИШ

*Саҳна қоронғу. Саҳна ўртасида бир стол ва бир стул. Чироқ фақат ўша ерга тушиб туради. Стулда форма кийған орган ходими. Ходими қандайдир ҳужжаттарни титиб үтирипти. Шу пайт телефон жириңглайди.*

**Ходим.** Эшитаман. (жимлик) Яхши, шошманг, ҳозир ёзиб оламан. (Ходим столдаги ручкани олиб, ёза бошлайды)... Тушунарли, қайси нашриётда? Яхши, исм-фамилияңгизни айтинг. (жимлик) Хавотир олманг, ўртамизда сир бўлиб қолади. Сизни тушундим, сиёсий хушёрликни йўқотмай, бизга маълумот етказганингиз учун ташаккур билдираман. Албатта, бундан раҳбариятни ҳам хабардор қиласман. Вақти келиб, хизматларингиз муносиб тақдирланади.

*Ходим гўшакни қўйгач, бироз ўйланиб қолади ва яна қайта кўтариб, рақам теради.*

**Ходим.** Алло, мен ижодий уюшмалар бўйича кураторман. Менга ёшлар нашриёти раҳбарининг телефон рақамини беринг.

*Ходим нашриёт раҳбари телефон рақамини ёзиб олади ва унга қўнгирок қиласади.*

**Ходим.** Алло, нашриётми? Сизларда “Қора қуёш” номли асар чоп этиш учун тайёрланаяптими? Муаллифи... Ҳозир айтаман... (Олдидағи қогозга қараайди.) Мұхаммад Юсуф. Ҳали чоп этилмадими? (жимлик) Жуда яхши. Айтингчи, бу асарга тақризлар берилганми? (жимлик). Яхши, мендаги ваколатга қўра, асарни чоп этишни маълум муддатга тўхтатаман. (жимлик) Хайр, саломат бўлинг.

*Ваҳимали мусиқа янграб, саҳна қоронгуглашади.*

## ТЎРТИНЧИ ҚҰРИНИШ

*Саҳнада учрашув бўладиган бинонинг киравериши қисми. Саҳнанинг чап тарафи саҳна ортига ўтиши қисмига ҳашаматли эшик қўйилади. Эшик олдида учтўрт нафар костюм-шиш кийған кишилар туришипти. Улар бир-бiri билан*

*ўзаро сұхбатлашиша аны. Гаплашыи оған гидан хавотир, ғазаб, каби ҳислар сезилиб турипти.*

**Ташкилотчи.** Раҳбарлар йўлда келишяпти экан.

**2-Одам.** Микрофонларни текшириб кўрдингларми?

**3-Одам.** Микрофонларни-ку, текширдим. Лекин шоирлар ҳали келишмади.

**2-Одам.** Оббо... Энди айтасанми? Нега вақтлироқ айтмадинг?

**3-Одам.** Вақтлироқ айтсам, қўтариб келармидинг? Шошма, нега мен сенга айтишим керак?

**Ташкилотчи.** Бўлди қилларинг. Сен бориб уларнинг раҳбарига қўнғироқ қил. Сен уй рақамаларини топиб, қўнғироқ қил.

**3-Одам.** Уй рақамини топа олмасам-чи?

**Ташкилотчи.** Унда уйига бориб келасан ёки икковинг чиқиб шеър ўқийсан.

*2- ва 3- одам саҳна ортига ўтиб кета туриб, бир-бiri билан сұхбатлашиб кетади.*

**2-Одам.** Мен бошлиққа қўнғироқ қиламан. Сен уй рақамини топ.

**3-Одам.** Бошлиққа қўнғироқ қил деб, менга айтди.

*Улар саҳна ортига ўтиб кетгач, ташкилотчи саҳнанинг ўнг тарафига кимdir келаяптими ўйқми, деб қарайди. Ҳеч ким ўйқ эканини билгач, тез-тез у ёқдан бу ёққа юра бошлиайди. Қадам босишидан уни хавотирда экани сезилади. Шу вақт саҳнанинг ўнг тарафидан йўталганча оқ кўйлак, қора шим кийган одам бир-бир босиб кириб келади. Ташкилотчи уни кўриб, бир қўлини кўксига қўйиб, бир қўлини чўзиб салом бериб боради.*

**Ташкилотчи.** Ассалому алайкум, саломатмисиз? Тан-у жонингиз соғми? Яхши етиб келдингизми?

**Мехмон.** Яхши. Ҳамма нарса тайёрми?

**Ташкилотчи.** Ҳаммаси тайёр.

**Мехмон.** Тадбир неча соат давом этади?

**Ташкилотчи.** Бир ярим соатга мўлжалляпмиз.

**Мехмон.** Шуни бироз чўзишнинг иложи борми?

**Ташкилотчи.** Амаллаймиз, қанча вақтга.

**Мехмон.** Агар иложи бўлса, яна бирор соатга чўзинглар.

**Ташкилотчи.** Бир соат... Қийин масала. Лекин имкон қадар амаллаймиз. Сабабини билсам бўладими?

**Мехмон.** Машинани устага олиб боришим керак.

**Ташкилотчи.** Лаббай?

**Мехмон.** Устага дейман. Сенга айтсам, иш жуда кўп, устага боришга ҳеч вақт бўлмаётганди.

**Ташкилотчи.** Тадбир-чи?

**Мехмон.** Тадбирда менга бало борми? Ана, катталар ўтирсин.

**Ташкилотчи.** Кечирасиз, сиз ким бўласиз?

**Мехмон.** Ҳайдовчиман.

*Ташкилотчининг асабийлашгани сезилади. Боядан бери қўлини кўксига қўйиб, сипо бўлиб турган одам бирдан ўзгаради.*

**Ташкилотчи.** Бошлиғинг қани?

**Мөхмөн.** Ташқарида чекиб, сұхбатлашиб туришипти. Яна бир шериклари йўлда келяпти экан.

**Ташкилотчи.** Унда сен нима қиляпсан бу ерда?

**Мөхмөн.** Нима, ҳайдовчи одам эмасми?

**Ташкилотчи.** Э, бор жўна... Бошлиқларга ўхшаб кийиниб олганига ўлайми, буни?

*Мөхмөн чиқиб кета туриб гапиради.*

**Мөхмөн.** Менга қара, устага бориб келишга улгуармикинман?

*Ташкилотчи жеркиб беради.*

**Ташкилотчи.** Мен қаёқдан биламан?

**Мөхмөн.** Сен бола ўзингни ўқитиб юбор. Нега бақирасан?

*Мөхмөн саҳнадан чиқиб кетмасдан саҳнага уч киши чиқиб келади. Уларнинг кўринишидан қишилоқдан келганлиги кўриниб турипти. Ташкилотчи уларга пешвуз чиқади.*

**Ташкилотчи.** Ассалому алайкум, келинглар.

**Собир.** Салом алайкум, биз Самарқанддан келгандик.

**Ташкилотчи.** Жуда яхши-да. Келинглар, хизмат?

**Собир.** Бу ерда концерт бўляяптими?

**Ташкилотчи.** Йўқ, бугун ёзувчи-шоирлар билан учрашув бўлади.

**Неъмат.** Абдулла Орипов ҳам келадими?

**Ташкилотчи.** Ҳа.

**Неъмат.** Муҳаммал Юсуф-чи?

**Ташкилотчи.** Муҳаммад Юсуф? Ким у?

**Неъмат.** Шоир.

**Ташкилотчи.** Бунақа шоирни эшитмаган эканман.

**Неъмат.** “Таниш тераклар” деган китобни ўқимаганмисан?

**Ташкилотчи.** Йўқ.

**Собир.** (*Ёнидаги Неъматга қараб гапиради.*) Кўрдингми, булар костюм-шим кийиб, бўйинбог тақса, зиёли бўлдим деб юраверади-ю, Муҳаммад Юсуфни танимайди.

**Ташкилотчи.** Тушунмадим.

**Собир.** Қўявер, ҳали-вери тушунмайсан ҳам.

**Неъмат.** Охунжоннинг “Сени ҳеч ким севолмайди менингдек”, деган ашуласини эшитганмисан?

**Ташкилотчи.** Бўлмасам-чи.

**Неъмат.** Шу қўшиқнинг шеърини Муҳаммад Юсуф ёзган.

**Неъмат.** Менга қара, ука. Биз ҳам адабиёт, санъат шинавандасимиз. Шу тадбирингга кирсак бўладими?

**Ташкилотчи.** Мөхмөн экансизлар. Йўқ дейиш ноқулай, аммо шунга мажбурман.

**Неъмат.** Билет сотиб олиш керак бўлса, айт. Оламиз.

**Ташкилотчи.** Билетлик тадбир бўлганда, шундоқ ҳам киргизган бўлардим. Бу тадбирда ҳамманинг жойи белгиланган.

**Собир.** Неъмат, қўй, талашма. Булар фақат костюм-шым кийган одамни танийди. Юр, четроққа ўтайлик, шоирларни шу ерда кўрсак, гаплашармиз.

*Меҳмонлар четроққа, саҳна яқинига қўйилган ўриндиққа ўтиришиади.*  
*Саҳнага Содик шошганча кириб келади.*

**Ташкилотчи.** Келинг, хизмат.

**Содик.** Биз нашриётданмиз.

**Ташкилотчи.** Нима қилиб кечикиб юрибсиз, ука? Шерингиз қани?

**Содик.** Шу ерда (орқасига қарайди) Келаётганди.

**Ташкилотчи.** Бўла қолинг, тез топинг, ҳозир раҳбарлар киришади, эшиклар ёпилади.

**Содик.** Хўп, хўп.

*Содик эшик томонга қараб юради. Содикни кузатиб турган самарқандлик меҳмонлар бир-бираига қараб гапиради.*

**Неъмат.** Собир, ҳозирги ёшлар бирам нозиклашиб кетди-я. Узокдан қарасанг, худди костюм-шымнинг ўзи юриб кетаётганга ўхшайди.

*У Содикнинг озгинлигига ишора қилиб кулади.*

**Собир.** Нон емайди-да, булар, жўра.

*Содик ташқари эшик томонга қарайди.*

**Содик.** Муҳаммад, бўла қол.

*Саҳнага Муҳаммад Юсуф кириб келади. Четда ўтирган меҳмонларга салом бериб ўтаётганда меҳмонлар гапга тутади.*

**Муҳаммад Юсуф.** Ассалому алайкум.

**Абдулла.** Во алайкум ассалом, иним.

**Неъмат.** Ия, Муҳаммад Юсуфмисиз?

*Муҳаммад Юсуф тўхтайди. Аввал Неъмат унинг ортидан Собир ва Тошпўлат келиб, шоир билан қўл олишиб кўришишиади.*

**Неъмат.** Муҳаммад Юсуф, иним, ўзингизмисиз?

**Муҳаммад Юсуф.** Ҳа, Муҳаммад Юсуфман.

**Неъмат.** Биз сизни кутиб турибмиз.

*Меҳмонлар Муҳаммад Юсуф билан қучоқлашиб сўрашишиади.*

**Неъмат.** Ҳаётда бошқача кўринаркансиз. (кулади). Менинг исмим Неъмат, бу Собир, бу Тошпўлат. Бизлар Самарқанддан келгандин. Шеъриятнинг, айниқса, сизнинг шеърларингизнинг муҳлисимиз.

**Содик бир эшик томонга, бир ташқари томонга қарайди.**

**Содик.** Муҳаммад, бўла қол, ҳозир раҳбарлар келиб қолишади.

**Муҳаммад Юсуф.** Сен киравер, мен кейинроқ кираман.

**Содик.** Қанақа кейинроқ? Ҳозир эшикларни ёпишаркан. Раҳбарлар келишяпти экан деяпман сенга.

**Муҳаммад Юсуф.** Ўша ғўддайган раҳбарларинг шеърни тушунармиди, сен киравер, мен кейинроқ кираман. (*Меҳмонларга юзланади*) Қани, Неъмат ака, ўтирамиз.

*Мұхаммад Юсуфнинг гапидан хурсанд бўлган меҳмонлар у билан саҳна четидаги ўриндиққа бориб ўтиришиади. Содиқ эса қўл силтаганча ичкарига югурб кириб кетади.*

**Мұхаммад Юсуф.** Хўш, Неъмат ака, самарқандликлар қалай? Қариндошлар, жўралар, болалар, ҳаммаси яхши юришибтими?

**Неъмат.** Шукур, Мұхаммаджон. Ўзингиз саломатмисиз?

**Собир.** Мұхаммаджон, мақтанишга йўйманг-у, “Таниш терак”лар тўпламингиздаги шеърларингизни учаламиз ҳам ёддан биламиз. Агар имкони бўлса, катталик қиляпти демасангиз, янги шеърларингиздан бирортасини ўқиб берсангиз. Қишлоқдагиларга бориб мақтанаармидик, дейман-да.

**Мұхаммад Юсуф.** Неъмат ака, неччи ёшдасиз?

**Неъмат.** Бу йил эллик иккини қораладим.

**Мұхаммад Юсуф.** Севганингизга уйланганмисиз?

**Неъмат.** Йўқ. (*Бироз ўйланиб туриб, кулимсираб гапиради.*) Отаси тракторчига берадиган қизим йўқ деган, ука.

**Мұхаммад Юсуф.** Ака, унда эшитинг.

Осмон чўкиб қолди бу оқшом,

Юлдуз бўлиб ёғилди бир сас.

Бир маҳалла нигоҳни кўрдим,

Яшаш керак, севиш шарт эмас.

Садоқатми?

Кимга керак у?...

Бехудадир кўз ёшнинг сели.

Юлдуз бўлиб ёғилди бир сас,

У бегона. У энди келин.

Тўй – бу асли баджаҳл ота,

Бахтли бўлсин қизим, дегани.

Уни сенга бермасман бўтам,

Тирик экан кўзим, дегани.

Осмон чўкиб қолди бу оқшом,

Қонимда бир ғашлик ўрмалар.

Мен оловга отарман энди,

Юрагимни қийма-қиймалаб...

Ёқа ушлаб қолсин кўрганлар,

Оловларга отгум, уни бас,

Ёниб кетсин чирсиллаб қалбим,

Севиш керак... яшаш шарт эмас!

*Шеър тугагач Неъмат қарсак чалиб юборади.*

**Неъмат.** Ҳақ рост. Бу шеърни менга атаб ёзган экансиз.

**Тошпўлат.** Яшанг шоир.

**Собир.** Энди... Шоир, бизнинг қишлоқда бир гап бор. Биринчиси билан иккинчисини ўртасидан қил ўтмасин дейди. (Кулади)

**Муҳаммад Юсуф.** Гап йўқ, ака. Боя Неъмат ака учун ёзилган шеърни ўқигандим. Энди ўзим учун ёзилганини ўқийман.

*Муҳаммад Юсуф шеър ўқишини бошлиғандан бир муддат вақт ўтиб, эшикдан Абдулла Орипов кириб келади, Муҳаммад Юсуфнинг шеър ўқиётганини кўриб тўхтайди, шеър ўқиб бўлишини кутиб туради, ташкилотчи Абдулла Ориповни олдига келаётганда Абдулла Орипов унга тўхта, дегандек шиора қиласи.*

Шамолдек бекарор шоир севгиси,

Унинг бор давлати – савлати.

Софинчдан ёқар-у райҳонлар иси,

Мени танлаганинг ғалати.

На бир ширин калом минг заҳматингга,

На бир саломингга алик олади.

Муҳаббатинг нима, Муҳаммадингга?

Қаламни қучоқлаб ухлаб қолади.

Қасри Шухрат аро қон йиғлар юрак,

Кўксингда нимадир фижжак чалади.

Унга шеър керакдир,

Сенга эр керак.

Кошки тушунса у валади...

У сўз кутар, уни сен кутиб ойлаб,

Бир умр йўл қараб кўзинг толади,

Севгилим, фариштам... тентагим, ё раб,

Бахтингни ярмини шеърим талади!

Гуноҳинг не эди, эй, мунглиғ дилбар,

Сени танлаганим ғалати...

Асл шоир асли уйланмай ўтар,

Уйланса ҳам кўрмай хотин олади.

**Неъмат.** Эй, яшанг, шоир.

**Тошпўлат.** Кўз тегмасин, ҳар бир сатри юракка етиб боради-я.

**Собир.** Кам бўлманг, шоир, биз дехқонлар ҳақида ҳам ёзинглар.

**Абдулла Орипов.** Ассалому алайкум.

*Ҳамма ортига ўғирилади. Абдулла Ориповни кўргач, ўрнидан туриб салом беришади. Абдулла Орипов ҳамма билан қўл бериб сўрашади. Неъматга келганда Неъмат Абдулла Ориповни қучоқлаб олади, Абдулла Орипов ҳам уни қучоқлайди.*

**Неъмат.** Худо ол қулим, деса ҳеч гап эмас экан. Манов бинога киритмаганига ранжиб ўтиргандик. Мұхаммаджонни күрдик, тадбирга кирмай бизга шеър ўқиб берди, кам бўлмасин. Орқасидан кимсан Абдулла Орипов келиб ўтиrsa-я? Афсус, бу гапга қишлоқдагилар ишонмайди-да...

**Неъмат.** Абдулла ака, яхшимисиз? Саломатмисиз?

**Абдулла Орипов.** Раҳмат, ўзларингиз саломатмисизлар? Мұхаммаджон сизларни зериктириб қўймадими?

**Собир.** Мұхаммаджон билан одам зерикарканми?

**Абдулла Орипов.** Учрашувга кайфиятсиз келаётгандим, сизларни кўриб, кайфиятим кўтарилиди. Ҳақиқий учрашув бу ерда бўлаётганини кўриб, қувондим.

**Мұхаммад Юсуф.** Узр, устоз, суҳбат қизиб кетганидан келганингизни пайқамай қолибман.

**Абдулла Орипов.** Ҳечқиси йўқ. Қани ичкарига кирамиз.

**Собир.** Абдулла ака, сиз билан учрашдик, Мұхаммаджондан шеър эшилди, энди қайтаверсак ҳам бўлар. Сизларни ҳам вақтингизни олмайлик.

**Абдулла Орипов.** Вақтингиз йўқми?

**Неъмат.** Вақтимиз-ку бор, ичкарига таклиф қилинганлар киаркан, жойлар банд дейишди, шунга сизларни ҳам хижолатга қўймайлик демоқчимиз.

**Абдулла Орипов.** Мен таклиф қиляпман-ку. Қани кетдик.

*Абдулла Орипов ҳалидан бери ёнида қўл қовушириб турган ташкилотчига тикилиб қарайди. Кейин меҳмонлар, Абдулла Орипов ва Мұхаммад Юсуф бирга ичкарига кириб кетишади. Костюм-шиимли одам уларнинг ортидан қараб қолади. Саҳна қоронгутлашаади.*

## БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

*Саҳнада стол атрофида Мұхаммад Юсуф, Содиқ, наширёт раҳбари, Уюшма раиси, унинг ўринбосарлари ва бизга таниши ҳарбий формали киши бу сафар оддий костюм-шиимда ўтирипти. Улар ниманидир қизгин мұхокама қилишаяпти.*

**Ходим.** Биздаги маълумотларга қараганда, “Қора қуёш” асари – бугунги сиёсатга зид, социалистик реализмни қораловчи, умуман олганда, инсонларни социализмга қарши исёнга ундовчи асар. Шу боис ушбу асар чоп этишга тавсия қилинmasлиги керак.

**Нашриёт раҳбари.** Лекин ушбу асарга тўрт нафар ижодкордан ижобий ички тақриз олинниб, нашриётга топширилган.

**Ходим.** Нега шундай қалтис даврда айнан сиёсий мавзуга қўл урилган? Бир қараща бугунги сиёсатни қоралаяпти деб ҳам бўлмайди, лекин мақтагани ҳам йўқ. Масалан...

*Уюшма раиси у гапини тугатмасдан гап бошлиайди.*

**Раис.** Менимча, сиз асарни тўлиқ ўқиб чиқмагансиз.

**Ходим.** Тўлиқ ўқишига сабрим чидамади, муҳтарам раис. Қолаверса, бу менинг вазифамга кирмайди.

*У бироз тин олиб, раисга қараб кинояли оҳангда гапини давом эттиради.*

**Ходим.** Мұхтарам раис, бу ерда шахсга нисбатан адоват бўляпти деб ўйламанг. Муаллифни номини у ер у ерда эшитганим бор, аммо шахсан ўзини кўрмаганман. Демак, унга ҳеч қандай шахсий хусуматим йўқ. Биз асар тўғрисида фикр билдираяпмиз.

*Нашиёт раҳбари унинг кинояли гапини эшишиб, асабийлашади ва бироз овозини кўтариб гапиради.*

**Бошлиқ.** Ука, раис ҳам шахс ҳақида сўз очмади, асарни ўқидингизми деб сўради, холос.

**Ходим.** Менга овозингизни кўтарманг, бир. Сизнинг укангиз эмасман, икки. Тушунарлимис?

**Нашиёт раҳбари.** Тушунарли, ука. Лекин биз бу асарни ташқи муҳокамадан ўтказганмиз, ички тақриз ҳам, ташқи тақриз ҳам олинган. Адабиётдан озгина хабари бор одам асар мазмунини тушунган бўларди.

**Ходим.** Тўғри, балки мен адабиётни яхши тушунмасман. Лекин шу соҳанинг, яъни айнан ижодий уюшмаларнинг кураториман. Тушунарлимис, ку-ра-то-ри-ман! Демак, сўнгги сўзни айтиш ҳуқуқи менга берилган. Қолаверса, ушбу асарнинг сиёсий бузуқлиги ҳақида бизга айнан мана шу уюшма аъзоларининг мурожаати бор.

*Нашиёт раҳбари ва уюшма раиси кутимаган жавобданбир-бирлари билан кўз уришитириб, жим бўлиб қолишиади. Муҳаммад Юсуф индамай ўрнидан туради, саҳнага яқин жойга келади ва нигоҳини бир нуқтага тикканча шеър ўқий бошлади.*

Дўст бўлдик, тўқнашди елкалар,  
Елкалар ялангоч, улуғвор.  
Сен дединг ортимдан тақрорла,  
Мен борман, сен борсан, Худо бор.

Мен борман, сен борсан, Худо бор,  
Гўзал оят эди қўйилган талаб.  
Қай биримиз хиёнат қилсак...  
...деб қасам ичардик самога қараб.

Сен сотдинг, хиёнат қилдинг бизларга,  
Куракка бехуда санчилган ўқсан.  
Энди сен ортимда тақрорла,  
Мен борман, Худо бор, Сен йўқсан.

Мен билан йўлларда югурдинг,  
Дўст эдик, садоқат бизга ёр.  
Ўгрилдим, ортимдан тупурдинг,  
Худо бор, Худо бор, Худо бор....  
(Ушибу шеър муаллифи Бобур Ҳамроев)

*Шеър тугагач Мұхаммад Юсуф саҳнадан чиқиб кетади.*

**Раис.** Сизга ким мурожаат қилганидан ва нима сабабдан қилганидан хабаримиз бор. Буларнинг ҳаммаси уйдирма, кўра олмаслик ёки шахсий адоват. Сиз эса номингизга доғ тушишидан чўчияпсиз.

*Содик ўнгайсизланади, уни йўтал тутиб қолади.*

**Содик.** Кечирасизлар.

**Ходим.** Менинг фикрим, бу китоб чиқмаслиги керак.

*Шу ўринда ҳалигача суҳбатга аралашмасдан олдидағи қоғозларга нималарнидир ёзиб-чишиб ўтирган Абдулла Орипов ўрнидан туриб, ходимга қараб гапиради.*

**Абдулла Орипов.** Ушбу асарда сиёсатга зид, инсон онгига акс таъсир этувчи ғоялар йўқлигига аминман ва буни тасдиқлайман. Ёзма равища исм-фамилиямни ёзиб, имзо чекиб ҳам беришим мумкин. Бўхтончиларнинг гапларига ишониб, ҳақиқий ижодкорларни руҳиятини синдираверсак, бўлмас. Куратор бўлсангиз, ҳабарингиз бордир, азал-азалдан иқтидорсизлар иқтидорли одамларнинг душмани бўлиб келган, уларга муттасил панд беришади, тухмат-у бўхтонлар ёғдиришади. Агар биз ҳам уларни қўллаб-қувватласак, адабиётимизнинг охиривой бўлади, ҳурматли куратор. Мен иқтидорсизларни тушунишга ҳаракат қилиб кўрдим. Балки бу инсон омилидир, лекин бундай ҳолатларга нисбатан қатъий чора қўрилмас экан, боя айтганимдай, адабиёт оламида иқтидорсиз ёшлар қўпайиб кетади. Худо кўрсатмасин, биздан кейин, сизнинг, менинг лавозимимга бугун биз қўл силтаб, жазосиз қолдирган ёшлар ўтиrsa... Адабиётда иқтидорлиларга ўрин қолмайди.(Содтқажонга юзланиб гапиради) Тўғрими Содиқжон?.. Менинг қатъий фикрим шу. Китоб чоп этилиши керак ва шарт. Агар ушбу китоб чиқарилмаса, мен, албатта, керакли жойларга мурожаат қиласман. Хайр саломат бўлинг.

*Абдулла Орипов жаҳл билан туриб, саҳнадан чиқиб кетади. Саҳна қоронгулашади.*

## ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

*Қишлоқ ҳовлиси. Мұхаммад Юсуфнинг ота уйи. Саҳна ўртасида сўри. Сўрида шоирнинг онаси нимадир тикиб ўтирипти. Саҳнага Мұхаммад Юсуф ва унинг рафиқаси кириб келишади. Улар қуюқ саломлашишиади.*

**Она.** Набираларим қани?

**Назира.** Кўшнимиз Қумри хола қўярда қўймай уйларига олиб кириб кетдилар. Ҳозир ўzlари билан олиб чиқарканлар.

**Она.** Шу Қумриниям бир қилиғи ортиқ. Мен бу ёқда набираларимни соғиниб, кўзим тўрт бўлиб ўтирибман-у, уни қилган ишига қаранг.

**Шоир.** Она, ўзининг яхшимисиз?

**Она.** (кулади) Набираларимни шаҳарда қолдириб келдингларми деб қон босимими ошиб кетаёзди. Шунга сизлар билан сўрашмабман ҳам. Қани ўтиинглар, Қумри тушмагур ҳам чиқиб қолар.

*Саҳнага шоирнинг синглиси чиқиб келади акасини кўриб қувониб кетади. Акаси ва янгаси билан саломлашади.*

**Сингил.** Жиянларим қани?

**Шоир.** Оббо... Акангни соғинмадингми? (кулади)

**Она.** Кумри момонг, эшик тагида кўриб, уйига олиб кириб кетибди.

**Сингил.** Олиб чиқайми?

**Она.** Йўқ, индама, мениям жаҳлим чиқувди, ўйлаб кўрсам... Шўрликнинг набираси йўқ, майли, бир оз эркалатсин. Чол кампирга ҳавасак. Ҳали ўзлари олиб чиқишидади. Сен бориб ошнинг тагини сол.

**Сингил.** Хўп бўлади.

*Сингил саҳнадан чиқиб кетади, ортидан шоирнинг рафиқаси ҳам хонтахта устидаги чойнакни олиб чиқади. Саҳнада Шоир ва онаси қолади. Шоир онасининг тиззасига бошини қўйиб, ётиб олади. Онаси шоирнинг сочидан силаб туриб гапиради.*

**Она.** Болам, ишқилиб тез кетиб қолмайсизларми? Қанчага келдинглар?

**Шоир.** Анчага келдик...

**Она.** (Хавотирланиб) Нега кайфиятинг йўқ, ишдан ҳайдашдими?

**Шоир.** Йўқ, таътил олдим. Шу шаҳардан жуда безиб кетдим, ая. Фийбатлар, тухматлар, у ундоқ, бу бундоқ каби гап-сўзлардан чарчадим. Мени ҳеч ким танимайдиган жойларга кетиб қолгим келади баъзида. Ҳаммасидан ҳам сизни, синглимни, қон-қариндошларни, қишлоғимизни соғиндим. Шеърларимда айтганимдай, ариқ бўйида ялпизлар билан ачомлашиб ётгим келди, ая.

Очиғи шахарга қайтгим келмаяпти...

**Она.** Сиқилма болам, сен бизни соғингансан. Шунинг учун арзимас нарса ҳам кўнглинга тегиб, ҳаммадан безигандай бўлгансан. Бир икки кун дам ол, кейин ҳаммаси ўз изига тушиб кетади.

**Шоир.** Қайдам...

*Шу пайт саҳнага шоирнинг рафиқаси ва синглиси чойнак ва пиёла кўтариб чиқиб келади.*

**Назира.** Онажон, ўзингиз чарчамай, яхшигина юрибсизми?

**Она.** Раҳмат келин, ўзларингиз яхшимисизлар?

**Назира.** Китобни кўрсатдиларми?

**Она.** Қандай китоб?

**Шоир.** Ёдимдан кўтарилипти, ўзингиз ҳам эшикдан кирмасимдан набираларингизни сўраб, чалғитиб юбордингиз. (кулади)

*Шоир портфелидан китоб олиб, онасига беради. Она аввал китобни ўтиб, юз-кўзларига суради, сўнг кўзларини қисиб, китобга синчиклаб қарайди. Кейин Шоирнинг синглисига узатади.*

**Она.** Номини овоз чиқариб ўқиб бер-чи, кўзим олмади.

*Синглиси ўқийди.*

**Сингил.** Муҳаммад Юсуф, “Қора қуёш”.

**Она.** Бундай номларни қаердан оласан-а, болам.

**Шоир.** Фақат сиз ҳам бошқаларга ўхшаб сиёсатга қаршиими деб сўраманг, ая.

**Она.** Табриклайман болам, ҳамқишлоқларга беришимга ҳам олиб келдингми?

**Шоир.** Ҳа, она.

*Орага жимлик чўқади. Шоирнинг онаси унинг бошини силаб ўтириб, хаёлга чўмади. Фонда онанинг номидан шеър ўқилади. Бу шеърни, албатта, аёл киши ўқииш шарт.*

Чакка ўтган эски томга ўхшайман,  
Кўзимдан ёмғирлар тўкилар тинмай.  
Бу ёруғ дунёда борми, билмайман.  
Ўз ўғли йўлига интизор мендай...

Ҳайҳотдек ҳовлида қолдим бир ўзим,  
Нима хаёлларга бормасман баъзан.  
Соғмисан ишқилиб, қўрқаман, қўзим,  
Подшолар ҳақида шеърлар ёзасан.

Ўйнашиб бўларми, шоҳлар билан, айт,  
Қишлоқи жонингга шеърдан не хузур?  
Зериксанг – бепоён яйловингга қайт,  
Сиқилсанг – даштларда от чоптириб юр!

Ўғлим, жигаргўшам, айтгин-чи наҳот,  
Ачинмайди жонинг онанг ҳолига?

Мени тўшакларга михлаб қўйди бод,  
Келиб бир кўтариб чиққин ҳовлига

*Шеър тугаши билан Шоирнинг синглиси саҳнага радио кўтариб чиқиб келади.*

**Сингил.** Ака, шеърингизни қўшиқ қилишипти.

**Она.** Овозини баландлат-чи.

*Сингил радионинг овозини кўтаради. Радиода Юлдуз Усмонованинг Муҳаммад Юсуф шеъри билан айтиладиган “Ҳеч кимга бермаймиз сени Ўзбекистон!” қўшиги янграй бошлайди. Куй авжисда барча актёрлар саҳнага чиқиб келишиади ва томошабинларга таъзим қилишиади. Саҳна қоронгулашиади.*

**Тамом**